

ИШ ОРГАНИ ИСКАНАСИННИГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ

Хайдарова Шахноза Зокиржоновна

техника фанлари фалсафа доктор(PhD), Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Ф. Ортикова, М. Давлитова, Н. Саидабдуллаева

Талаба, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар: ғўза, ғўзани озиқлантириш, тупроқ палахсаси, иш сирти, ўғит йўналтиргич, ўғит солиш чукурлиги, тупроққа кириш бурчаги.

Аннотация

Мақолада ўғит соладиган иш органини асосий параметрлари, ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган. Тадқиқот натижаларига кўра, иш органининг тупроққа кириш бурчаги, исканасининг эни ва иш сиртининг узунликлари назарий тадқиқотлар асосида аникланиши.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2023 LWAB.

Республикамизда пахта етиштиришда органик ва минерал ўғитларни ўсимлик илдизлари озиқланадиган тупроқ қатламига локал солишини таъминловчи технология ва техник воситаларни янги намуналарини яратиш, мавжуд машиналарни иш жараёнида ресурстежкамкорлигини таъминлаш мақсадида такомиллаштиришнинг илмий-техникавий асосларини ишлаб чиқишига йўналтирилган мақсадли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ерларнинг унумдорлигини оширишда маҳаллий органик озиқ моддалар муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг таркибида азот, фосфор, калий ва микроэлементлар бор. Мавжуд технологияга асосан органик ўғит (компост) кўп йиллардан бери гектарига 17-18 тонна микдорида пахта ва бошқа ўсимликлар етиштирилиб келаётган майдонларга ерни ҳайдашдан олдин кузда гўнг сочувчи машина билан солинади.

Лекин гўнг ер бетида бир неча қун туриб қолса, унинг таркибидаги углерод билан азот ҳавога учеб қетади ва унинг самарадорлиги пасаяди. Бундан ташқари мавжуд гўнг сочувчи машиналар гўнгни дала юзасига бир текисда тақсимлай олмайди. Машинанинг гўнгни сочиш нотекислиги 25 фоиздан юқори ва агротехник талабларга жавоб бермайди.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш ва ўғитнинг самарадорлигини ошириш мақсадида, фўнгли ўғитни ғўза илдизлари ривожланадиган тупроқ қатламига кўмиб кетиш технологияси ва уни амалга оширувчи янги техника воситаларини ишлаб чиқиши талаб қиласди.

Агрокимё фанининг асосчиси академик Д.М.Прянишников ўсимликлардан юқори ҳосил олиш учун органик ва минерал ўғитлар бирикмалари (компост)ни қўлланиши лозимлигини таъкидланган [1].

АҚШ олимларининг пахта етиштиришдаги тажрибаларида ўғит дала юзасига сочиб берилганда ўсимлик унинг 14 %, сув билан оқизиб берилганда 27 % ўзлаштирган бўлса, тасмасимон этиб тупроққа кўмиб (локал) берилганда эса 45 % ўзлаштирган ва энг юқори ҳосил олинган.

Ушбу мақолада ғұза қатор ораларига органо-минерал үғитларни солиши иш үрганини асосий параметрлерини асослаш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Иш органи искананинг тупроққа кириш бурчаги ишлов берилаётган тупроқ палахсаси унинг ишчи сирти бўйлаб қўтирилиши ва силжишидан ҳосил бўладиган тортишга қаршилик кучи минимал қийматга эга бўлиши шартидан чиқарилган қуйидаги ифода бўйича аниқланди.

$$\alpha = \operatorname{arctg} \left(\sqrt[3]{-q + \sqrt{q^2 + p^3}} + \sqrt[3]{-q - \sqrt{q^2 + p^3}} - \frac{m}{3n} \right), \quad (1)$$

$$\text{бунда } p = \frac{3nc - m^2}{9n^2}; \quad q = \frac{m^3}{27n^3} - \frac{mc}{6n^2} - \frac{m}{2n}; \quad m = tg\varphi; \quad n = 1 + tg^2\varphi; \quad c = 2tg^2\varphi;$$

φ – тупроқнинг иш органи исканасининг юмшаткич ишчи сиртига
ишқаланиш бурчаги, gradus.

(3.3) ифодага φ нинг маълум қийматларини ($30-35^\circ$) қўйсак, иш органи исканасининг тупроққа кириш бурчаги $24-26^\circ$ оралиғида бўлиши лозимлиги келиб чиқади.

Иш органи исканасининг эни ва ишчи сиртининг узунлигини у томонидан үғитийўналтиргичдан тушаётган үғит солинадиган деворлари зичланган эгат ҳосил қилиниши шартидан чиқарилган қуйидаги ифодалар бўйича аниқлаймиз.

$$b < \frac{(d + ctg\alpha)(h - h_{\bar{y}})}{\left[0,1 \frac{T_9}{[\tau_k]} [1 + 3ctg(\alpha + \varphi)] - k \right]}. \quad (2)$$

ва

$$l < 2 \left\{ [\tau_k] \left[b + (h - h_{\bar{y}}) \operatorname{tg} \left(\frac{\pi}{4} - \frac{\rho}{2} \right) \right] (h - h_{\bar{y}}) \cos\varphi \cos\rho \right\}^{\frac{1}{2}} :$$

$$: \left\{ q_0 (1 + K_V V) b \cos \frac{1}{2} (\varphi + \rho - \alpha) \left[\cos \frac{1}{2} (\alpha + \varphi + \rho) \right] \sin \alpha \right\}^{\frac{1}{2}}, \quad (3)$$

бунда h – үғит солиши чуқурлиги, м;

$h_{\bar{y}}$ – үғит солинадиган эгатнинг чуқурлиги, м;

T_9 – тупроқнинг эзилишга солиштирма қаршилиги, MPa;

$[\tau_k]$ – тупроқнинг силжишга солиштирма қаршилиги, Pa;

d, k – тупроқнинг физик-механик хоссаларига боғлиқ бўлган ўлчов

бирликсиз коэффициентлар;

ρ – тупроқнинг тупроққа ишқаланиш бурчаги, gradus;

q_0 – тупроқнинг ҳажмий эзилиш коэффицвенти, N/m^3 ;

K_V – тупроқнинг ҳажмий эзилиш коэффицентини унинг эзилиш

тезлигига боғлиқ равишда ўзгаришини хисобга оладиган

коэффицвент, s/m ;

V – агрегатнинг илгариланма харакатдаги тезлиги, m/s .

(3.4) ва (3.5) ифодалардан кўриниб турибдики, иш органи исканасининг эни ва ишчи сиртининг узунлиги асосан ўғит солиш чуқурлиги, агрегатнинг ҳаракат тезлиги ва тупроқнинг физик-механик хоссаларига боғлиқ.

Адабиётларда келтирилган маълумотлар асосида [105; 43–52-б., 106; 152–153-б.] $h=0,12 \text{ m}$, $h_y=0,05 \text{ m}$, $T_g=10,2 \cdot 10^5 \text{ Pa}$, $[\tau_k]=1,7 \cdot 10^4 \text{ Pa}$, $d=4,2$, $k=2,5$, $\alpha=25^\circ$, $\rho=40^\circ$, $q_0=1 \cdot 10^7 \text{ N/m}^3$, $K_V=0,1 \text{ s/m}$ қабул қилиниб, (3.4) ва (3.5) ифодалар бўйича ўтказилган хисоблашларни кўрсатишича, агрегатнинг

1,7-2,5 m/s ҳаракат тезликларида иш органи исканасининг эни 51 mm дан ва ишчи сиртининг узунлиги 104 mm дан ошмаслиги лозим.

Хулоса, иш органи томонидан ўғит солинадиган эгатни минимал энергия сарфлаган ҳолда шакллантирилиши учун искананинг тупроққа кириш бурчаги $24\text{--}26^\circ$ оралиғида, эни 51 mm дан ва ишчи сиртининг узунлиги 104 mm дан ошмаслиги лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

- Ходжиев А., Хайдарова Ш. Фўза қатор ораларига органо-минерал ўғитларни локал солувчи сошник ўғит ўтказувчи бўғизининг параметрини асослаш // Agroilm. – Тошкент, 2020. – №2(65). – Б. 99.
- Халилов М.М., Хайдарова Ш.З. Фўза қатор ораларига ўғит солувчи иш органи параметрини асослаш // Рақамли технологиялар, инновацион ғоялар ва уларни ишлаб чиқариш соҳасида қўллаш истиқболлари: Халқаро илмий-амалий конференция материаллар тўплами. – Андижон, – Б. 331-333.
- Тухтакузиев А. Механико-технологические основы повышения эффективности работы почвообрабатывающих машин хлопководческого комплекса: Авт. дисс...докт.техн.наук. – Янгиюль: УзМЭИ, 1998. – 36 б.
- Komilov N., Xaydarova Sh.Z. Resistance of the work organ used to apply organo-mineral fertilizers to the cotton row // International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology, 2021. – pp. 187-191. (Scientific Journal Imfact Factor 7.225)
- Кобзарь А.И., Прикладная математическая статистика. Для инженеров и научных работников. – Москва: Физматлит, 2006. – 816 с.
- Прянишников Д.М. Значение химизации в поднятии наших урожаев и придании им устойчивости. Труды маской сессии 1935 г. Изд-во АН, М., 1936. – С. 353-372.